



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 27-noyabr. Seshanba • 139 (31.571) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

23 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир А.Хайтов маъруза қилди.

Маърузачи шуни таъкидладики, 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига кири-

тилган. Ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳудудлар ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларининг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш, нуфус ўзгаришлари таъсири ва иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иш билан таъминлашнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ чора-тадбир-

ларни амалга оширишдан иборатдир.

Дастур Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрь ойида ўтказилган қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳамда меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгиллаш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, биринчи навбатда кўп болали аёллар, ногиронларни, олий ва ўрта махсус касб-хунара таълими муас-

сасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда ҳолда тайёрланган. Дастур ишлаб чиқаришга алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган.

Келгуси йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий прогноз параметрлари ва йўналишлари — ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, алоҳида тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг маҳаллий ҳамда махсус дастурлари билан уйғунлаштирилганлиги алоҳида таъкидланди.

2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўринларини ташкил

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД —

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан газетамиз муҳбири суҳбати

— Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги кенг нишонланмоқда. Конституциямиз Ўзбекистонда тинчлик-ҳотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотушликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаб келмоқда. Шу муносабат билан аввало Конституциямизнинг асосий хусусиятлари тўғрисида фикр юритсак.

— Конституциямиз Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим қоидаларини ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётни давомида эришган

ютуқларимиз Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилинишининг натижасидир, десак муболаға бўлмайди.

Конституция Ўзбекистон Республикасида демократия умулсоний принципларга асосланиши, бунга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини бош тамойил сифатида белгилаб берди. Шу қоидалар асосида мамлакатимизда «ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун», деган гоя ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликларни шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўзининг ифодасини топди.

(Давоми 3-бетда.)

Фармон ва ижро

ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз хотин-қизларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширишга қўллаб-қувватлаш бўйича қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, айниқса, қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва маънавиятини юксалтириш, аёлларни касб-хунарга ва тадбиркорликка жалб қилиш ишлари янада кенг қўлаб кўрилади.

Давра суҳбатидан бошлангич ва маҳаллий ташкилотлар фаолиятини ошириш, уларнинг ижтимоий шериклик асосида бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосий вазифалардан бири экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик партия электоратига хизмат қилади, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган дастурлар ижросини таҳлил этиб боришга яхши имкон яратди. Негаки, қўйи бўғин ва маҳаллий ташкилотлар ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқани яхши йўлга қўйса, одамларнинг кундалик муаммоларидан кўпроқ хабардор бўламиз. Муаммоларни ечишга қаратилган тақлифларнинг пухта ва ҳаётий бўлишига эришамиз.

Шунингдек, тадбир давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, турли масалаларни ҳал этиш юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, алоқаларни мустаҳкамлашга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Феруза ҚОДИРОВА

яти ва интилишларини рўйба рўй чиқариш, оилаларда соғлом турмуш тарзи гояларини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борада олиб борилаётган ишлар самарасида чақалоқларнинг туғма ва ирсий хасталиклар билан дунёга келишининг олди олинмоқда. Ҳомиладор аёллар ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилади.

Конференцияда «Хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият курилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури» лойиҳаси атрофида муҳокама этилиб, амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

ЎзХДП ҳаётидан

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилади

Навоий вилоятида «Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги: ЎзХДП бошлангич ҳамда маҳаллий ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини ошириш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, сенаторлар, тарғиботчилар ва экспертлар гуруҳи аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, бошлангич ташкилотлар етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда, фуқаролик жамияти институтлари янада ривожланишига эришиш, ислохотлар самардорлигини таъминлашда ижтимоий шериклик муносабатларини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу боис партия тизимида ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш муаммоларини таъминлашда ижтимоий шериклик муносабатларини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбатидан бошлангич ва маҳаллий ташкилотлар фаолиятини ошириш, уларнинг ижтимоий шериклик асосида бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосий вазифалардан бири

эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик партия электоратига хизмат қилади, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган дастурлар ижросини таҳлил этиб боришга яхши имкон яратди. Негаки, қўйи бўғин ва маҳаллий ташкилотлар ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқани яхши йўлга қўйса, одамларнинг кундалик муаммоларидан кўпроқ хабардор бўламиз. Муаммоларни ечишга қаратилган тақлифларнинг пухта ва ҳаётий бўлишига эришамиз.

Шунингдек, тадбир давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, турли масалаларни ҳал этиш юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида олиб борилган ишлар таҳлил этилиб, алоқаларни мустаҳкамлашга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Феруза ҚОДИРОВА

«ОБУНА — 2013»



«ЎЗБЕКISTON OVOZI»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!!!

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 220

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 27 НОЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Евро	2524,34	1 Дания кронаси	342,18	1 Хитой юани	316,35	1 Туркия лираси	1097,11
1 АҚШ доллари	1969,43	1 БАА дирҳами	536,22	1 Украина гривнаси	246,39	1 Швейцария франки	2120,63
1 Россия рубли	63,26	1 Миср фунти	322,70	1 Малайзия рингити	645,08	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2059,24	1 Исландия кронаси	15,70	1 Польша злотийси	621,11	Корея вони	18,15
1 Англия фунт стерлинги	3155,81	1 Канада доллари	1984,51	1 СДР	3004,35	10 Япония иенаси	239,50

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Учрашув

● ПАРТИЯ МАТБУОТИ:
ФИКР,
МУЛОҲАЗА ВА
ТАҚЛИФ
3-бет

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР 2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара худудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилди. 2013 йилда бу худудларда камидан 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. **Келгуси йилги Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштириш аниқ бир устувор йўналишлардан биридир. Дастур доирасида ногиронлири ҳамда меҳнат бозорига қийинчиликка дуч келаётган бошқа шахсларни ишга жойлаштириш учун камидан 100 мингта иш ўринини захира шал (квоталаш) белгиланган.** Таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. 2013 йилда бўш ва захирадаги иш ўринлари ҳисобига касб-хунар коллежларининг 500 миңдан зиёд битирувчиларини ишга жойлаштириш белгиланган. Шу мақсадда «колледж — корхона» тизими бўйича коллежларга иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги 90 миңдан зиёд корхона ва ташкилот бариқтириб қўйилди, битирувчиларнинг иш ахтарилиши вақтини қисқартариш учун эса барча йиллик шаҳарлар ва туманларда камидан 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан коллежлар ва олий ўқув юрларининг битирувчиларига уларнинг ўз тадбирчилик ишини ташкил этиши ҳамда йўлга қўйиши учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш тажрибаси давом эттирилди.

2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасининг батафсил муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар 2013 йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлар бериш билан қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Чунончи, тижорат банклари томонидан ана шу мақсадлар учун 5,1 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунда имтиёзли кредит маблағлари асосан меҳнат бозорига вазият кескин бўлган олис қишлоқ туманлари ва худудларида иш ўринлари ташкил этишни назарда тутуви лойиҳаларни молиялаштиришга йўналди. Депутатлар 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликни, фуқароларнинг ишбилармонлик фаолигини бундан буён ҳам рағбатлантиришни назарда тутишини қониқиб билан таъкидладилар. Шунингдек, улар паррандачилик, балиқчилик, асаларчиликка, қишлоқ хўжалиги ва мевасабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлашга, иссиқхона хўжалиklarини ташкил этишга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилаётганлигини ҳам қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур дастурнинг ишлаб чиқилиши ва бажарилиши аҳоли турмушини яхшилашнинг асосий омилларидан бири эканлигини таъкидладилар. Шу тўғрисида ҳам ЎзХДП фракцияси ушбу дастурнинг ижтимоий аҳамиятига эга эканлиги ва партия электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳани ҳар томонлама чуқур ва батафсил кўриб чиқишга катта эътибор қаратди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қонунчилик палатасидаги ва маҳаллий Кенгашлардаги ўз депутатларининг ушбу дастурни бажариш ишидаги иштирокини янада қучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Шу нарса таъкидландики, дастур ижро этилишининг ҳар ойдаги ақналар бўйича ушбу масалани туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги доимий асосда иш олиб борувчи ишчи комиссияларнинг мажлисларида танқидий нуктаи назардан кўриб чиқиш, шунингдек, жойлардаги мавжуд муаммолар ва камчиликлар зудлик билан бартараф этилишини таъминлаш устидан доимий равишда депутатлар назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда манзилли рўйхатларга киритилган корхоналарга бинолар, ер ва кредит ажратиш, уларни хомашё билан таъминлаш ҳамда қонунчилик тармоқларига улаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Коллежларни битирувчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишга жойлаштирилишини кафолатлашга доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, Дастурнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини янада қучайтириш зарурлиги таъкидланди. 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий прогноз кўрсаткичлари ва йўналишлари ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир махсус дастурлар, инвестиция, маҳаллийлаштириш дастурлари билан узвий боғлиқ эканлиги таъкидланди. Депутатлар 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш дастурини, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда инвестиция дастурларини амалга ошириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш йўлини қў-

лаб-қувватладилар, бунда янги ташкил этилаётган иш ўринлари барқарорлиги ва юқори ҳақ тўланадиган бўлиши лозимлигига эътиборни қаратдилар. Кўпроқ Ватанимиздаги товар ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳимлиги ҳамда қишлоқ хўжалигини, хизматлар соҳасини, шаҳарда ва қишлоқ жойларида замонавий инфратузилмани ривожлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси вакиллари касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни, кўп асрлик аъёналарга эга бўлган халқ ҳунармандчилигини жадал ривожлантириш ҳисобига ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Уларнинг фикрига кўра, аёллар ва ёшларни, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган кишиларни касаначиликнинг аъёнаний турларига фаол жалб этиш жуда муҳимдир. Фракция аъзолари шуни таъкидладиларки, катта имтиёзлар ва преференциялар, касаначиларнинг буюртмалари, асқоб-усқуналари, хомашёси, асқоблари ва инвентарлари учун жорий этилган имтиёзли шарт-шароитлар, уларнинг уйдаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳарajatларини қоплаш мамакатимизда касаначиликнинг турли йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилади. «Миллий тикланиш» ДП фракцияси вакиллари корхоналар ва коллежлар ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам қучайтириш, коллежларнинг битирувчилари корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ҳамда кейинчалик уларнинг ушбу корхоналарга ишга жойлаштирилиши учун мунтазам иш олиб борилишига қўмақлаштириш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, депутатлар мамлакатимиздаги касб-хунар коллежларининг битирувчиларида туризм, ҳунармандчилик, тадбиркорлик соҳасида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бу ишни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Марказий банкнинг фаол иштирокида олиб боришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаш зарур, деб ҳисоблайдилар.

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури иш ўринларига талаб юқори бўлган минтақаларда, чунончи, Фарғона, Тошкент, Қашқадар, Наманган, Навоий вилоятларида ва Тошкент шаҳрида иш ўринларини қўлайлаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, фракция аъзолари аввало қишлоқ жойларида бўш ва янгидан ташкил этилган иш ўринларига хотин-қизларни, шунингдек, олий ўқув юрлари ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш зарурлигини, қонун ҳужжатларида ҳам фуқароларнинг ушбу тоифалари учун бир қатор имтиёзлар кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтдилар. «Адолат» СДП фракцияси инновация технологиялари соҳасини ривожлантириш ҳисобига ҳам янги иш ўринлари сонини ошириш ло-

зимлигини таъкидлади. Фракция аъзолари 2013 йилда ёшларни касбга қайта тайёрлаш борасидаги ишларни давом эттириш лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар Дастурнинг асосий параметрларини қўллаб-қувватладилар ва унинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар олий ўқув юрларининг битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига мамлакатимизда юқори интеллектуал соҳияга бўлган талабни қучайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Улар мамлакатимизда ташкил этилаётган иш ўринларининг барқарорлигини сақлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, одамларни сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасидаги ишларни кенгайтириш имконияти мавжудлигига, бунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатнинг ифлосланишини истисно этувчи замонавий техника ва технологияларни жорий этиш муҳимлигига ҳам эътиборни қаратдилар. Шунингдек, улар янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлиги масалаларини амалда ҳал этиш учун масъулият аввало давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви маҳаллий органларининг, ишлаб чиқариш корхоналари ва бизнес тўғрисида бўлишини таъкидладилар. Депутатлар мамлакатимиздаги мавжуд табиий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни янада ривожлантириш ва бу соҳада янги иш ўринлари ташкил этиш муҳимлигини таъкидладилар. Янги иш ўринлари ташкил этиш чоғида жойнинг журғофий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, маҳаллий корхоналар салоҳиятидан фойдаланиш зарурлигига, шунингдек, янги ташкил этилаётган иш ўринлари экологик муҳитга, аҳоли соғлиғига ҳавф туғдирамаслиги муҳимлигига эътибор қаратилди. Депутатлар, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш чоғида «яшил энергетика» масалаларини ҳисобга олиш, яъни куёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Бундан илгари ташкил этилган иш ўринларини сақлаб қолиш ва иш ўринларининг барқарорлигига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ахборот хизмати

ЎзХДП фракцияси нуктаи назари

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ «2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ» ПАРЛАМЕНТ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНИШИНИ МУҲИМ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕА, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

Сайдывали АХМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ижросига масъул давлат бошқаруви органларининг бу борадаги ҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилади. Дастурда ҳар бир туман, шаҳар кесимида аниқ вазибалар белгиланган ва уларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган.

Халқ демократик партияси фракцияси Дастур қабул қилиниши ва амалга оширилиши юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ажралмас қисмига айланганини эътироф этади. У аҳоли даромадлари ўсиши, турмуш фаровонлиги орттишига бевоқиф ва аниқ таъсир кўрсатиб, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омил бўлиб келмоқда.

Партияимизнинг электорати ҳисобланадиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қий-

наладиган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, яъни ногиронлар, боқувчиларни йўқотган оилалар, таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар ушбу Дастур орқали ўз иши, доимий даромад манбаига эга бўлади.

Халқ Демократик партияси фракцияси Дастурнинг юртимизда ҳаётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини англаган ҳолда, унинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлади ҳамда ушбу масала юзасидан тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Алишер ТИЛЛАБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аввало, эътироф этиш жоизки, Дастур ижросини таъминлаш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Қонунчилик палатаси депутатлик корпуси ҳамда ушбу ҳокимияти органлари ҳамкорлигининг самарали механизми яратилди.

Деярли барча туман, шаҳар ва вилоятларда депутатлар томонидан бандлик билан боғлиқ масалалар мунтазам ўрганилиб, халқ депутатлари ма-

ҳаллий Кенгашлари сессияларида муҳокама этилмоқда. Қонунчилик палатасида ҳам Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан Дастур ижроси тизимли равишда ўрганилмоқда ва тегишли тадбирлар мунтазам ва самарали ўтказилмоқда.

Дастур ижроси тўғрисидаги масала фракцияимиз ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама этиб келинмоқда. Сайловчилар билан ишлаш жараёнида ҳам депутатларимиз бу масалани алоҳида эътибор қаратаётти.

Натижда Дастур йилдан-йилга мукамаллашиб, депутатларимиз билдирган тақлифлар дастур ишлаб чиқишида инобатга олинмоқда. Энг муҳими, шу орқали Дастур кўрсаткичларини бажарилишида ихобий натижаларга эришилаётти.

Биз келгусида ҳам, албатта, яратилаётган иш ўринлари ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, иш жойларининг барқарор сақланиши юзасидан депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда қонуний назоратни қучайтиришимиз керак.

Фракцияимиз аъзолари фикрича, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, Дастур кўрсаткичларини фақат сон жиҳатдан таъминлашга ҳаракат қилиш етарли эмас. Шу боис Халқ демократик партияси фракцияси келгуси йилда Дастур ижроси устидан парламент назоратининг асосий йўнали-

ши унинг сифатли бажарилишига қаратилиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу ўринда биз «сифат» деганда, аввало, барқарор ва юқори иш ҳақига эга иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутмоқдамиз. Дастурнинг яна бир сифат йўналиши яратилаётган иш ўринларида меҳнат қилувчиларнинг қонунларда белгиланган ижтимоий ва меҳнат муҳофазаси таъминланишига эътиборни қучайтиришдан иборатдир.

Анвар БОЙҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳар йили мамлакатимизда таълим муассасаларининг 500 миңдан ортиқ битирувчиларини ишга жойлаштириш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифа сифатида белгиланмоқда. Дастур орқали яратилиши кўзда тутилган иш ўринларининг ақсарияти айнан битирувчилар, яъни келажакимиз бўлган ёшлар учун мўлжалланган. Шунинг учун ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш зарур.

Дастурда қўйилган вазибалар бажарилиши, шунингдек, бандликни таъминлаш механизми қучайиши тегишли қонунлар такомиллаштирилишини талаб этади, албатта.

Электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Халқ демократик партияси фракцияси иш берувчиларнинг жавобгарлигини қучайтириш, меҳнат бозорига кириб келаётган

ёш мутахассисларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш юзасидан қонунларга маълум ўзгартишлар киритиш тўғрисида ҳуқуқатга бир неча бор тақлифлар киритган эди. Уларга кўра, таълим муассасалари битирувчиларининг биринчи иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тўғрисида, дастлабки синов белгиланмаслиги ҳамда уларнинг меҳнат шартномасини биринчи иш жойи бўйича бир йил мuddат ичиди иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга тўқсонлик қилувчи меъёерларни жорий этиш кўзда тутилган.

Биизнинг фикримизча, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган кафолатларнинг ижроси самарадорлигини қучайтириш керак.

Юқоридаги вазибаларнинг тўлақонли бажарилиши партияимиз электорати манфаатлари таъминланишида ниҳоятда муҳимдир. Шунинг учун фракцияимиз «2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» ижросини мунтазам тақлил этиб боради.

Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш фракцияимизнинг доимий эътибор марказида туради.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИНСОННИНГ ҲАЁТГА ҚАРАШЛАРИ, ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ИЛК ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАРИ БИРИНЧИ ГАЛДА ОИЛАДА ШАКЛЛанади. ШУ БОИС ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, КИШИЛАРНИНГ, АЙНИҚСА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ҚУЧАЙТИРИШНИ ҲАМ АВАЛЛО ОИЛА ТАРБИЯСИДАН БОШЛАШ ЗАРУР, ДЕЯ ТАЪКИДЛАДИ ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СИЁСИЙ СЕМИНАРДА.

ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРДА

хотин-қизларнинг иштирокини қучайтириш жамият тараққиётига хизмат қилади

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ташкил этилган «Демократик жараёнларда хотин-қизларнинг иштирокини қучайтириш» мавзусидаги мазкур тадбирда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, партия фаоллари ҳамда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Шунинг билан керакли, бу жараёнда хотин-қизларнинг фаолиги тобора аққорлор сезилапти. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хотин-қизлар 22 фоиз, Сенатда 15 фоизни ташкил этиши ҳам фикримиз таъкидидир. Партияимиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг 500 нафарга яқинини аёллар ташкил қилади. Партияимиз жами аъзоларининг 42,1 фоизи хотин-қизлардан иборат. Партия ташкилотларида 31 нафар аёл раҳ-

бар лавозимларида фаолият олиб бормоқда.

Аммо партияимиз барча бўғинларида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаолигини қучайтириш, бу йўналишдаги тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллигига алоҳида эътибор қаратилапти, деб бўлмади. Шундай экан, биз бугун сафимиздаги лидер аёллар имкониятларидан самарали фойдаланиб, ижтимоий шерикларимиз бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда демократик жараёнларда хотин-қизларнинг сиёсий фаолигини янада ошириш борасида изчил тадбирлар олиб боришимиз зарур.

Комила ҚАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг барча жиҳатлари қамраб олинган. Бош Қомусимиз, Меҳнат, Оила кодекслари, умуман, 100 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган. Конституцияимизнинг 14-боби оила муҳофазасига бағишланган. 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли экани, 117-моддасида эса сайлаш ва

сайланиш ҳуқуқлари кафолатланган.

1999 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун аёллар алоҳида имтиёзлар бериши билан катта аҳамиятга эгадир. «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги каби аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада оширишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Нигина ШЕРМУҲАММЕДОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда аёлларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши, иқтидорини намойён қилиши учун барча шартноятлар яратилган. Улардан қай даражада фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ. Агар аёл ўзининг жамиятдаги ўрнини англаса, қўлалигини тўғри йўналишга олса ҳаётидан мамнун бўлиб яшайди. Шуниси қувонарлик, кейинги йилларда оила бекаси, она бўлиш билан бирга, жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаол иштирок этиб, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшаётган аёллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Биргина мисол, бугун акаде-

мик, фан доктори илмий даражасига эришган аёлларнинг юртимиз илм-фани ривожига муносиб улуши бор. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири нафақат илм-фан, балки бошқа жабҳаларда ҳам фаол бўлган ана шундай хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш лозим иборатдир. Бу ЎзХДП Сайди-Вилолди дастурида белгиланган вазифалар ижроси таъминланишига хизмат қилади. Шунинг учун партия ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада қучайтиришга эътибор қаратиши зарур, деб ўйлайман.

Зулфия ЗОКИРОВА, Тошкент вилоят партия кенгаши мафкура бўлими мудир:

— 2009 йилги сайловларда Ўзбекистон ХДПдан Тошкент вилоятидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 273 нафар депутат сайланган. Вилоят Кенгашига сайланган партияимиз депутатларининг 4 нафари, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларимизнинг 58 нафари хотин-қизлардир. Тахлиллар кўрсатмоқдаки, аёл депутатларимиз вилоят, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, сиёсий жараёнларда бевосита фаол иштирок этиб келмоқда.

Жорий йилнинг шу вақтига қадар вилоятнинг барча туман ва

шаҳарларида 100 дан ортиқ сиёсий семинарлар ўтказилди. Уларда аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, демократик жараёнлардаги иштирокини янада қучайтириш, келгуси сайловларда янада яхшироқ натижаларга эришишга қаратилган кўллаб-қувватлаш муҳокама қилинди. Семинарларда миң нафардан зиёд аёл фаол иштирок этиб, мавзуга оид фикр ва мулоҳазалари билан қатнашди. Бундай тадбирлар хотин-қизларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрнини қучайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Тадбирда, шунингдек, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини қучайтириш, демократик жараёнларда фаол иштирок этаётган хотин-қизларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев билан газетамиз мухбири суҳбати

Конституциямиз миллий иқтисодий-ётимининг асосларини мустаҳкамлади. Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит яратиб, истеъмолий ҳуқуқи устуңлигини, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, хусусий мулкнинг давлат ҳимоясида эканлигини кафолатлади. Бунинг натижасида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия маъмури қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади, деб мустаҳкамланган. Ана шу давлат ҳокимияти тизимида Конституциявий суднинг ўрни ва роли, унинг жорий этилиши сабаблари, ҳуқуқий асослари, ташкил этилиши тартиби ва ваколатлари тўғрисида тўхташганмиз.

— Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримов ўзининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи билан маърузасида ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир масъуладга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципларни ҳаётига изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, ҳокимиятлар бўлиниши назарияси жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари давлат қурилиши таърихида қўлланилиб келинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу қоида кейинчалик «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларда, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда яна ҳам ривожлантирилди.

Давлат ҳокимиятининг бу учта тармоғи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

бир-биридан мустақил бўлмоғи лозим. Айни чоғда умумий мақсад йўлида улар ҳамкорлик қилиши лозим бўлади. Чунки давлат ҳокимиятининг бу учта тармоғи бир-бири билан узвий боғлиқдир. Улар давлат ҳокимиятини бирликтида ташкил этишлари ва унинг тизимида зарур элементлар бўлиб ҳисобланади.

Бу учта ҳокимият органлари ўз фаолиятларини Конституция белгилаб берган қоидалар асосида амалга оширадилар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Конституциявий суднинг жорий этилиши асосида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар органлари томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш масаласи ётади.

Фуқаролардан ёки юридик шахслардан Конституциявий судга келаятган мурожаатларнинг кўпчилиги умумий юрисдикция судлари ёки ҳўжалик судлари ҳужжатлари юзасидандир. Аммо суд ҳокимияти органлари чиқарган ҳужмалар ёки ҳал қилув қарорларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш ёки уларга шарҳ бериш Конституциявий суднинг ваколатлари доирасига кирмайди.

Конституциянинг иккинчи бўлими тўлиқлигича инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини таналаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилаганидан далолат беради. Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вақили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича махсус тузилмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда.

Конституциявий суднинг жорий қилиниши натижасида инсон ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг замонавий, демократик институти вужудга келди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 108 ва 109-моддаларида мустаҳкамланган қоидалар, шунингдек, 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисоб-

ланади. Конституциянинг 109-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд:

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлайди;

— Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам қўриб чиқади;

— Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Олий Мажлисининг Сенати томонидан суд Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасининг сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суд судьяларининг ваколат мuddати — беш йил.

— «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиши тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиздаги умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари ходимлари билан бир қатарда Конституциявий суд ходимларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шу муносабат билан Конституциявий суд судьяларини ҳуқуқий ҳолати, маъсулияти, шаъни масалалари юзасидан ҳам фикр юритсак.

— Фармонда таъкидланганидек, ривожланган демократик давлатлар таърихида ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминлашдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтиришдан туриб мамлакатини сиёсий ҳамада иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффиқиятга эришиб бўлмайди.

Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиши тўғрисида яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг қўлла-

нилиши бир томондан, уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг зарурий шарти бўлса, иккинчи томондан, уларга қўйилган талаблар ва масъулиятнинг ошишига ҳам олиб келади. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида эса Конституциявий суднинг судьялигига номзодга қўйилган талаблар белгиланган.

Унга мувофиқ сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камидан тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий ҳўжалик судининг раиси ва Бош прокурори Конституциявий судга қўриб чиқилш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Конституциявий суднинг камидан уч судьяси ташаббуси билан ҳам масала киритилиши мумкин.

Конституциявий суд судьяларининг маъсулиятини ошириш воситаларидан яна бири уларнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьясининг шаъни тўғрисидаги Кодекс» қоидаларига тўлиқ амал қилишларини таъминлашидир. Ушбу Кодекс Конституциявий суднинг 2004 йил 30 январдаги қарори билан тасдиқланган бўлиб, жами 14 моддадан иборат. Унга мувофиқ Конституциявий суд судьяси учун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамма нарсадан устун бўлмоғи лозим. Судья ҳар доим ва ҳар жойда ўзини шундай тўғри керакки, ҳақиқат жамиятда Конституциявий суднинг одил ва мустақил эканлигига ишонч қор топиши лозим. Конституциявий суднинг обрўсини тўқатишнинг қўриб чиқилиши учун судьянинг ваколатлари белгиланган тартибда тўқатилиши ёки мuddатидан илгари тўғатилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Конституциявий суд инсон ҳуқуқлари муҳофазасининг демократик институти сифатида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Учрашув

ПАРТИЯ МАТБУОТИ:

ФИКР, МУЛОҲАЗА ВА ТАКЛИФ



ХАР БИР МАТБУОТ НАШРИ ТЕЗҚОР, ХОЛИС АХБОРОТ ЕТКАЗИШИ, ТАЪСИРЧАН ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР ОРҚАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. БУНИНГ УЧУН ГАЗЕТХОНЛАР ФИКРИНИ ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ, УЛАРНИНГ ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛИШ КЕРАК БЎЛАДИ.

Шу боис ўтаётган йилда қилинган ишлар, келгуси йил режалари тўғрисида фикрлашиш мақсадида «Ўзбекистон овози» ва Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти ижодкорларидан бир гуруҳи Фарғона вилоятининг Қўқон ва Фарғона шаҳарларида газетхонлар, партия электрорати ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Очили, юзма-юз мулоқотлардаги самимийлик, газеталардаги мақолаларнинг сарлавҳаларидан тортиб, мавзулар ранг-баранглигича синчковлик билан билдирилган муносабатдан журналистларнинг кўнгли тўлди.

Учрашувларда бош муҳаррир С.Остонов сиёсий партия матбуотининг ўзига хос жиҳатлари, газеталарнинг бугунги фаолияти ва келгуси режалар ҳақида тўхтади. Партия элект-

торати манфаатини ҳимоя қилиш, депутатлик гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲХДП фракцияси фаолиятини кенгроқ ёритиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида тўхтади. Партиялараро баҳс-мунозараларни асосли, малакали ёритиш бўйича ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Партия фаоллари, депутатлар, электрот вакиллари партия матбуотида фаол иштирок этиш газеталаримизда фикрлар ранг-баранглигига хизмат қилишини айтди.

Ҳазма-юз мулоқот иштирокчилари газеталардаги ютуқларни эътироф этиш билан бирга, ўз таклиф-мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Топловди ХОЛДОРОВ, «Нуроний» жағфармаси вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Матбуот жамиятнинг кўзгуси, десак, муболаға бўлмайди. У орқали одамлар бир-бири билан фикр алмашади, баҳслашади, у ёки бу воқеяга муносабат билдиради. Шу маънода сиёсий партия газетаси, аввало, жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллиги юксалишига хизмат қилиши керак, деб ўйлайман. «Ўзбекистон овози»нинг ҳар бир сони билан яқиндан танишиб борадиган мушарий сифатида айтишим керакки, газетанда турли ижтимоий-иқтисодий мавзуларга оид таҳлилий мақолалар оз эмас. Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим янгилик ва воқеаларга газета саҳифаларида кенг ўрин берилади. Бирок, Парламентда муҳокама қилинаётган масалаларга партия фракциялари ёндашуви батафсилроқ ёритилса, яхши бўларди.

Замираҳон ОХУНОВА, Қўқон тиббиёт коллежи директори:

— Газеталарни партияимиз фойдаларининг тарғиботчиси сифатида севиб ўқиймиз. Унда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳам изчил ёритилапти. Менимча, коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга кенг ўрин бериш керак.

Аҳмадхон АБДУЛЛАЕВ, ҲХДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси ўринбосари:

— Сиёсий онг юксалиб, дунёқарашимиз кенгайишида таҳлилий-танқидий мақолалар, партиявий баҳс-мунозаларнинг ўрни алоҳида эканини таъкидламоқчимиз. Буларнинг барчаси фикрлар хилма-хиллигига йўл очади.

Газеталарда партиявий баҳс-мунозаралар тобора ривожланиб, мавзу ва фикрлар салмоғи, теранлиги ошиб бораётгани кўнонарли, албатта. Ҳў, партиявий баҳсга бошқа мамлакатлардаги сиёсий партиялар қандай ёнда-

шади? Бу мавзуда мутахассислар мақолалари бериб борилса, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Хондамир ИСЛОМОВ, Қўқон нефть-газ касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:

— Мен ҳам «Ўзбекистон овози» газетасининг ўқувчисиман. Мени ўзига ёш сиёсатчилар ҳақида қизиқarli мақолалар чоп этилапти. Кейин спорт, айниқса, футбол ҳақида кўп маълумотлар бериб борилади. Жаҳон чемпионатига йўлланма олган ёш футболчилар билан таништирилиб борилса, деган таклифим бор.

Ҳабибхон ТОШМАТОВА, ҲХДП Бувайда туман кенгаши раиси:

— «Ўзбекистон овози» газетасига туманимизда қизиқishi катта. Ҳозирчада 2013 йил учун обуна юз нусхадан ортди. Кенгашимиз қошида «Ёш сиёсатчи» клуби ишлаб турибди. Унинг 50 нафар аъзоси бор. Уларнинг барчаси ҳам газеталарга обуна бўлиш истagini билдирган.

Бир фикрим бор. Газетанда «Ёш сиёсатчи таклифи» руқи очилиб, долзарб бир мавзу ўртага ташланса, унга ёш сиёсатчиларимизнинг муносабатлари бериб борилса, уларнинг сиёсий билимини оширишга, баҳс юритиш маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшган бўлар эди.

Мулоқот чоғида электрот ва кенг жамоатчилик вакиллари ўзларини қизиқтирган кўпжа саволларга жавоб олишти. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, албатта, таҳририят иш режасида ўз аксини топади.

Таҳририят ходимлари бу каби ижодий учрашувларни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказишни режалаштирган.

Муҳаммадхон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ХОРИЖ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ 17 ФОИЗИ

ўқувчиларга пул беради

Англия мактабларида дарс бераётган ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижалари шундан далолат бermoқдаки, бугунги кунда 83 фоиз ўқитувчи ҳар кун мактабда оч юрган ўқувчиларга рўбарў келади.



Ўқитувчидан бири эса болалар учун ўз уйдан ҳар кун гулиқ олиб келади.

Ўқитувчилар миллий ассоциацияси ва педитрлар ҳукуматни бугунги кунда мамлакатдаги 1,3 миллион нафар кам таъминланган оиланинг болалари учун мактабларда текин нонушта ташкил қилишга қақирмоқда.

Рухшуносларнинг таҳлилларига қараганда, оч-наҳор юрган болада ўқишга қизиқиш жуда сусайиб кетади.

ҲАР ДУШАНБА

«вегетариан» қуни

Лос-Анжелес шаҳарида ҳар душанба «вегетариан» қуни, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан аҳолига мурожаатнома ҳам қабул қилинди.

Унда аҳолини душанба кунлари гўшт маҳсулотлари истеъмол қилишдан тийилиш, кўпроқ кўкат ва сабзавотлар тановул қилиш орқали саломатлиқни тиклаш ҳамда экологияни сақлашга қақирдилар.

«Fox News» қайд этишича, «вегетарианлар» кунининг жорий этилиши барча учун мажбурий эмас, балки ихтиёрийдир.

Депутат Жан Перри тиббиёт олимлари берган манбаларга асосланиб айтишича, гўшт маҳсулотлари истеъмол қилишдан вақтинча тийилиш ҳам юрак-қон-томир касалликларини 19 фоизга камайтиради.

Статистик маълумотларга қараганда, АҚШ ортқича ваэнга эга одамлар сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради.



Реклама

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиш режааштирилган қўйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаашнига топшириш шарти билан пузратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:				
№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буортмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буортмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш мuddати
1.	Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Шайхлар қ. — Ўрта-қишлоқ қ. — Таллак қишлоғидаги 4 К548 йўлининг 4-километридаги кўприкни капитал таъмирлаш	197 744 686 сўм	164 787 238 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буортмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртача амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоизи миқдориди айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар бериб борилса, уларнинг сиёсий билимини оширишга, баҳс юритиш маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшган бўлар эди.

Мулоқот чоғида электрот ва кенг жамоатчилик вакиллари ўзларини қизиқтирган кўпжа саволларга жавоб олишти. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, албатта, таҳририят иш режасида ўз аксини топади.

Таҳририят ходимлари бу каби ижодий учрашувларни республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказишни режалаштирган.

Муҳаммадхон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинди.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, корпус - 2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири мuddати оферталар очилиш кунини ва соатигача. Тақлифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилганда бошлаб камидан 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да ўтказилади.

ТОШКЕНТ ГРАН ПРИ МУСОБАҚАСИ

дунё шоҳматчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКISTON ТАСВИРИЙ САЊЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ШОХМАТ БЎЙИЧА FIDE ГРАН ПРИ МУСОБАҚАСИ ИККИНЧИ БОСҚИЧ УЧРАШУВЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА. МУСОБАҚАНИНГ ЮКСАК САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН 11 НАФАР ГРОССМЕЙСТЕР, ШОХМАТ МУТАСАДДИЛАРИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИШМОҚДА.

Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов мусобақани кўтаринки кайфиятда бошлади. У 1-турда озарбойжонлик Шахриёр Мамадиёровга қарши қора доналар билан ўйнашига қарамай галаба учун кураш олиб борди. Тахтада битта ҳам пиёда қолмагунча ўйин давом этди ва томонлар филли эндшпилда битимга имзо чекишди.

Рустамнинг иккинчи турдаги украинлик Руслан Пономарёвга қарши ўйинида ҳам филли эндшпиль юзга келди ва ўйин дуранг билан якунланди.

Учинчи турда Рустам кубалик Леньер Домингесга қарши ўйинида отли эндшпилда битта пиёда устунлигига эришди. Аммо Домингес аниқ ҳимояланиб, ўйиннинг дуранг билан якунланишига эришди.

Тўртинчи турда Рустам жаҳоннинг етакчи гроссмейстерларидан бири россиялик Сергей Карякинга қарши дона сурди. Мурасасиз кечган ўйинда жанговар дуранг кайд қилинди.

Умуман олганда, мусобақадаги ҳар бир ўйин мурасасиз курашлар остида ўтмоқда. Айниқса, исроиллик Борис Гельфанд ва венгриялик Петер Лекко ўйинидаги филга қарши от эндшили барчаннинг диққат марказида бўлди ва бу дуранг шоҳматнинг имкониятлари кечсиз эканлигини яна бир бор исботлади. Россиялик Петр Свидлернинг украинлик Руслан Пономарёв, италиялик Фабиано Карауанининг Гельфанд устидан қозongan галабалари мусобақанинг беазабига айланди. Мана шундай чиройли ўйинларни соғинган юртимиздаги ва жаҳондаги шоҳмат мухлисларида Тошкент Гран при мусобақасига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Туртинчи турдан сўнг, жадвалда россиялик Александр Морозевич уч очко билан пешқадам бўлиб туриб-

ди. Италиялик Фабиано Каруана, озарбойжонлик Шахриёр Мамадиёров, россиялик Сергей Карякин, хитойлик Ванг Хао 2,5 тадан, россиялик Петр Свидлер, ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов, венгриялик Петер Лекко 2 тадан, исроиллик Борис Гельфанд, украинлик Руслан Пономарёв, кубалик Леньер Домингес Перес 1,5 тадан очко жамғаришган. Гата Камский (АҚШ) ҳисобида эса атиги 0,5 очко бор.

Бугун бешинчи тур учрашувлари ўтказилади. Унда куйидаги жуфтликлар ўзаро дона сурди: **Гельфанд (оқ дона) — Камский (қора дона), Мамадиёров — Каруана, Пономарёв — Морозевич, Домингес — Свидлер, Карякин — Лекко, Ванг Хао — Қосимжонов.**

Эслатиб ўтамиз, учрашувлар соат 14.00 да бошланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, FIDE Гран при иккинчи бошқич учрашувлари юртимиз шоҳмат шиванадалари учун ажойиб байрамни тухфа этмоқда. Жумладан, мусобақа давомидида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан таниқли гроссмейстерлар иштирокида «Янги авлод» болалар ижодиёт маркази шоҳмат тўғрақлари тарбияланувчилари учун махорат дарслари уюштирилди.

Дастилаб мамлакатимиз ёш шоҳматчилари 20 ноябрь куни кубалик Леньер Домингес Пересга қарши дона сурди. Саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган йигирма бир нафар ҳамюртимизга қарши ўтказилган «сеанс»да икки ёш шоҳматчимиз таниқли гроссмейстер билан дуранг ўйнаган бўлса, ўн тўрт ёшли Бехзод Қудратов рақибини мағлуб этганлиги айниқса, қувонарлиқдир. Мусобақа дастурига мувофиқ, 1



декабрда ҳам шундай тadbир ташкил этилиши режалаштирилган. Бу эса мамлакатимизда нафақат «ақл гимнастикаси» ихлосмандлари сони ортишига, балки иқтидорли ёшларнинг кашф этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз катта спорт анжумани қатнашчилари фикри билан қизиқдик.

Кирсан ИЛЮМЖИНОВ, FIDE президенти:

— Ўзбекистонга бу биринчи ташрифим эмас. Юртингизда жисмоний тарбия ва спорт, жумладан, шоҳматни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлардан хабарим бор. Нуфузи жihatдан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринларда турувчи мазкур йирик мусобақанинг айнан Тошкентда ўтказилиши ҳам аввало ана шу эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Гран-при иккинчи бошқич баҳсларини ўтказиш учун юқори савияда тайёргарлик кўрилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатимизда шоҳматни ҳар томонлама тараққий эттириш борасида олиб борилаятган кенг қўламли ишлар тахсинга лойиқ. Яқинда Словенияда ўтказилган жаҳон чемпио-

натида саккиз ёшли Нодирбек Абдусатторовнинг олтин медалга сазовор бўлганлиги ҳам фикрим тасдиғидир. Келгусида мамлакат шоҳмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан амалий ҳамкорлигимизни янада кучайтирамиз. Жумладан, Тошкентда FIDEнинг халқаро шоҳмат академияси филиалини очишни режалаштирдик. Шу орқали ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни ва дунёга танитишни мақсад қилиб кўйганмиз.

Рустам ҚОСИМЖОНОВ, 17-жаҳон чемпиони:

— Аввало юртимизда бу каби ажойиб шоҳмат байрамини уюштириб берганлиги учун ташкилотчиларга катта раҳмат! Ушбу турнирнинг юртимизда ўтиши янги истеъдодларни кашф этишда алоҳида туртки бўлади, деб ўйлайман. Шоҳмат — футбол эмас. Бу мусобақада «деворлар» менга ёрдам беради деб айта олмаман. Чунки, уйда фикрларини жамлаб олишим қийинроқ бўлади. Ҳамминанг эътибори менда, босим катта. Бу мусобақада биринчи ёки иккинчи ўринни оламан,

деб ваъда беролмайман, Сабаби, рақибларим жуда кучли. Лекин бу билан сизларни уялтириб қўйиш ниятим ҳам йўқ. Ҳар бир учрашувга жиддий тайёрланман. Мен учун муҳими, бу мусобақанинг юксак савияда ташкил этилиши ва барчада яхши таассурот қолдиришидир.

Леньер Домингес ПЕРЕС, кубалик гроссмейстер, тезкор шоҳмат бўйича 2008 йилги жаҳон чемпиони:

— Дунёда 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни билмайдиган киши бўлмаса керак. Ўзбекистон шоҳмати ҳусусида ҳам айрим маълумотларга эга эдим. Юртингизга ташриф буюргач, бу ўлка ҳақидаги тасавуруларим янада бойиди. Айниқса, ёш шоҳматчиларга «сеанс» бериш жараёнида шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон — чинакам истеъдодлар макони экан. Бирорта учрашув осон кечгани йўқ. Рақибларимнинг менга қарши юксак иштиёқ билан дона сурдишлари юртингизда шоҳматга алоҳида эътибор берилаятганлигини кўрсатиб турибди. Бунга эса ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ



«Бунёдкор» — «Насаф»

жамоалари Ўзбекистон кубоги финалида ўзаро куч синашади

Футбол бўйича мамлакат кубоги ярим финал жавоб учрашувлари ўтказилди.

Тошкентда пахтакорчилар «Бунёдкор» футболчиларига қарши майдонга тушди. Бу жамоаларнинг дастлабки ўйинида 1:1 ҳисоби кайд этилган. Жавоб учрашуви ниятда мурасасиз ва шиддатли кечиб, унда бунёдкорчилар катта устунлик билан зафар кучди — 1:3.

Ярим финалнинг иккинчи жуфтлигида «Бухоро» — «Насаф» жамоалари ўзаро рубару келди. Қаршида ўтган биринчи ўйинда меҳмонлар рақиб дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаганди. Шу боис жавоб ўйинида «Насаф» вакиллари майдонда анча хотиржам тўп сурди. Учрашув голларга бой бўлди — 3:3.

Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра, муваффақият қозongan «Бунёдкор» ҳамда «Насаф» футболчилари Ўзбекистон кубоги финалида майдонга тушиш ҳуқуқини қўлга киритди. Голиб номи 30 ноябрь куни «Пахтакор» марказий стадионида бўладиган учрашувда аниқланади.

(Ўз муҳбиримиз)

«ГИМНАСТИКА ҲАММА УЧУН!»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «УНИВЕРСАЛ» СПОРТ САРОЙИДА ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ЎЗБЕКISTON ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА «ГИМНАСТИКА ҲАММА УЧУН!» ШИОРИ ОСТИДА НАВБАТДАГИ МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ҲАМДА ГИМНАСТИКАДА ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. ОЛТИНЧИ МАРТАБА ЎТКАЗИЛГАН МАЗКУР МУСОБАҚАДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БАРЧА ВИЛОЯТЛАР ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ЖАМИ БЕШ ЮЗДАН ЗИЁД СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН МАЙДОНГА ЧИҚДИ.

Мусобақа якунида ўнга яқин йўналиш бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди. Жумладан, аёллар ўртасида кечган баҳсларда Қорақалпоғистоннинг «Ипак йўли» жамоаси бош совринга сазовор бўлди. Шунингдек, «Энг яхши динамика» номинациясида Сурхондарё вилоятининг «Истиклол» қизлари энг кўп балл тўплаган бўлса, «Энг яхши хореография» бўйича Нукуснинг «Қирққиз» жамоасига тенг келадигани топилмади. Бундан ташқари, Навоийнинг «Кармана», Бекobodнинг «Кувонч», Жиззахнинг «Стар», Зарафшоннинг «Фанки Денс», Ангреннинг «Шанс» жамоалари ҳам турли номинацияларда бош совринни қўлга киритди.

— Гимнастиканинг турли йўналишлари бўйича спорт элементларини ўзида мутассам этган гимнастикада юртимизда жадал ривожлан-

моқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Юлия Радимцева. — Бу галги мусобақаларда иштирок этган ўттиз икки жамоанинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб турибди. Келаси йили терма жамоамиз Сингапурда бўладиган Осиё, Кейптаун (Жанубий Африка Республикаси)да ўтадиган жаҳон чемпионида қатнашади. Мамлакат чемпионати ва гимнастикада фестивали ана шу нуфузли мусобақа олдидан спортчиларимиз учун ўзига хос синов ҳамда тайёргарлик вазифини ўтаб берди.

Икки кун давом этган баҳслар сўнггида умумжамоа ҳисобида пойтахтимизнинг «Гармония» жамоаси бош совринга сазовор бўлди. Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари спортчилари эса фахрли иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Эркин ХОЛБОБО

Реклама

Вниманию руководителей строительных организаций и предприятий!

Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» при хокимияте Бухарской области

Объявляет конкурсные торги по объектам строительства и капитального ремонта, включенных в адресную программу на 2013 год:

№	Наименование и месторасположение объекта	Стартовая цена заказчика (сум)		Срок завершения строительства
		с НДС	Без НДС	
Лот-11				
Лот 11-1	«Пристройка спортзала размером 9х18м с вспомогательными помещениями на территории школы № 40 в Шафирканском районе Бухарской области»	290 000 000	241 666 600	1 августа 2013 года
Лот 11-2	«Реконструкция школы № 33 с новым учебным блоком на 180 учащихся в КФЙ «Кунжи Кальа» Бухарского района Бухарской области»	414 360 000	345 300 000	1 августа 2013 года
Лот 11-3	«Реконструкция школы № 33 с новым учебным блоком на 120 учащихся в КФЙ «Соқтари» Гиждуванского района Бухарской области»	328 530 000	273 775 000	1 августа 2013 года
Лот 11-4	«Капитальный ремонт школы № 36 на 420 учащихся в ССГ «Ш.Хамраев» Шафирканского района Бухарской области»	328 005 100	273 337 500	1 июля 2013 года
Лот-12				
Лот 12-1	«Реконструкция школы № 4 с новым учебным блоком на 270 учащихся и блоком спортзала размером 12х24м на территории КФЙ «Чорбоғ» Алатского района Бухарской области»	1 163 731 600	969 776 300	1 августа 2013 года
Лот 12-2	«Реконструкция школы № 16 на 300 учащихся с пристройкой нового учебного блока на 120 учащихся в КФЙ «Жумабозор» Алатского района Бухарской области»	471 419 860	392 849 880	1 августа 2013 года

По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью до 500,0 млн. сумов конкурсные торги проводятся исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.

Финансирование будет осуществляться за счет средств Фонда развития детского спорта, Внебюджетного фонда реконструкции, капитального ремонта и оснащения общеобразовательных и медицинских учреждений.

Организатор конкурсных торгов — Бухарский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

Заказчик: Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» при хокимияте Бухарской области.

Адрес заказчика: г.Бухара, проспект На-

вои, 5. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественный и зарубежный строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных

предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в конкурсных торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору конкурсных торгов по адресу:

г.Бухара, проспект Навои, 5, 2-й этаж, 18-й кабинет. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — сто тысяч сумов.

Крайний срок представления ofert организатору конкурсных торгов — ко дню и часу вскрытия ofert.

Вскрытие ofert состоится по истечении 30 дней после публикации объявления по адресу: г.Бухара, проспект Навои, 5, 2-й этаж, 18-й кабинет.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamiatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxonaga manzilli: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146
9525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5